

ТАЪЗИЯ



20:10 / 19.04.2022 2001

«Hilol-nashr» матбаа-нашриёти ҳамда Islom.uz портали ижодий гуруҳи динимизнинг ривожига катта ҳисса қўшган, Андижоннинг энг улуғ устозларидан, «Қора Қўрғон» жомеъ масжидида имом-хатиблик вазифасида хизмат қилган, Қуръони Карим ходими Абдуғофур қори даданинг вафоти муносабати билан уларнинг барча оила аъзоларига, қариндош-уруғларига, яқинларига, шогирдларига чуқур ва самимий таъзия изҳор этади.

Аллоҳ таоло марҳум устознинг барча солиҳ амалларини ҳусни қабул айлаб, Ўз мағфиратига олсин, барча саҳву хатоларини кечирсин, раҳматига чулғасин, қабрларини жаннат боғчаларидан қилиб, охиратларини обод айласин!

Ушбу оғир дамларда марҳумнинг аҳли байтларига, барча яқинларига, Аллоҳ таолодан сабру жамил тилаймиз.

Иннаа лиллааҳи ва иннаа илайҳи рожиъуун!